Шарқ юлдузи

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

6

1989

58-йил чиқиши

Бош муҳаррир
Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Саид АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУХТОРОВ
(наср бўлими мудири)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул котиб)
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШЕЪРИЯТ КЕНГЛИГИ—ҚАЛБ КЕНГЛИГИ

Адабиётнинг эртанги камолини шубҳасиз бугуннинг ёшлари ҳал қилади. Улар ўз салафлари ижодида шаклланган илғор анъаналар қобиғида новаторлик куртаклари униб чиқишига мустаҳкам замин тайёрлайдилар. Сўз санъати замон қадамларига ҳамоҳанг одимлар билан олдинга интилар экан, бу ворислик давом этаверади, сув юзида ҳосил бўлган ҳалқалар монанд тобора кенгаяверади. 70-йиллар адабий заминида униб чиққан ёшлар бугунги кунга келиб ўзларининг пишиб етилган бадиий меваларини тақдим этмоқдалар. Уларнинг кўпчилик асарлари кенг жамоатчилик диққатини тортмоқда, адабий танқидда турли савиядаги баҳсли фикрлар ҳам пайдо бўлмоқдаки, бу, албатта, ёшлар ижодига қизиқишнинг ортиб бораётганлигидан далолатдир. Таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов «70-йиллар авлоди»га мансуб ёшлар ҳақида гапириб, «...адабиётимиз тарихида ҳали ҳеч қачон ёш ижодкорлар адабиёт майдонига бугунгидай зич сафлар билан, шахдам қадамлар билан кириб келмаган эди», дейди. Албатта, бу гапнинг мағзида ёшлар келажагига катта умид билан қараш туйғулари ётади.

Улар чинакам изланишда бўлдилар: муваффақиятларни ҳам, адашишларни ҳам бошидан кечирдилар. Бусиз ижодий жараённинг бутун мураккаблиги билан тасаввур этиб бўлмасди. Ўткинчи хатолар гоҳо адабий танқидда бир оз муболаға билан таъкидланади, гоҳо ўта ижобий фазилатлар сифатида баҳолашга ҳаракат қилинадики, ҳар иккала қарашга ҳам тўла қўшилиб бўлмайди.

Асқад Мухтор Рауф Парфи босиб ўтган ижодий йўл ҳақида гапириб, уни «...ғарб модернистларини эслатадиган, тиниш белгиларсиз мавҳумотлар, гоҳ ўрта аср япон поэзиясини эслатувчи миниатюралар...» қизиқтирганлигини таъкидлаш билан бирга, улар «мени ҳам озмунча ҳаяжонлантирмади. Лекин у ҳақда ўйлаш менга доим завқ бағишлайди», деган гапни ғурур билан айтади.

Мана шу маънода Р. Парфи шеърларининг кўпчилигида бугуннинг долзарб масалаларидан бўлмиш инсониятнинг маънавий томонига эътибор алоҳида ажралиб туради. У ўз шеърларида инсон руҳияти манзараларини рассомона тасвирларда беришга интилади. Унинг лирик қаҳрамони доим ҳам байрамона кайфият билан яшамайди. Кўпроқ у ўз севинчлари билан эмас, бир оз маҳзун туйғулари билан бизга самимийдек, беғубордек, соддадек туюлади. Унинг тасвиридаги «синиқ осмон», «ғамли юлдуз» бизда тушкун кайфиятларни уйғотмайди. Аксинча синиқ осмон бағридаги мудроқ юлдузларнинг суратига эмас, сийратига киришни истаймиз, изтиробларини бўлишгимиз, ўзини эса ҳаётнинг ёруғ кенгликларига олиб чиққимиз келади. Бизни эзгуликка ундайди.

Демак, 80-йиллар ўзбек шеъриятида қаҳрамон масаласи анча кенгайди. Инсонни инсон сифатида тушуниш, унинг руҳияти қирралари тасвирига кенг эътибор бериш чуқурлашди. Бу хусусият 80-йилларнинг иккинчи ярмида фаол ижод қилаётган, даврнинг долзарб масалаларини бутун мураккаблиги билан ўз асарлари марказига олиб киришга интилаётган М. Жалил, Ч. Эргаш, Ш. Раҳмон, М. Солиҳ, У. Азимов, Х. Даврон, М. Раҳмон, А. Суюн, М. Юсуф, Т. Қаҳҳор, Й. Эшбек, Ё. Хўжамбердиев, И. Отамуродов, С. Саидов кабилар ижодида айниқса ёрқин кўринмоқди.

Қалб тубларида чўкиб ётган **ҳақиқат** кемаларини ёруғ олам кенгликларига олиб чиқиш шиддати билан яшаётган бу авлод ўз олдига ҲАҚИҚАТни бутун борлиғича кўрсатишни вазифа қилиб қўйган.

Албатта, бу қутлуғ ният йўлидаги ишлар бир текисда кетмоқда, деган хулосани чиқаришдан тамоман йироқмиз. Бу йўлнинг ўйдим-чуқурлари кўпчиликни гангитиб қўймоқда. Ҳали ҳам ҳадиксираш касалидан батамом қутулиб кета олганимизча йўқ. Ҳали ҳам эҳтиросиз асарлар кўплаб нашр этилмоқда. Ҳали ҳам дадил фикрли асарларга шубҳа билан қараш иллатлари яшаб келмоқда. Бу эса адабиётда бир қатор муаммоларнинг туғилишига сабаб бўлмоқдаки, бугунги ошкоралик кунларида ана шулар ҳақида бафуржа ўйлаш, тезроқ амалий ишларга ўтиш тамоман ўринлидир. Шулардан бири схематизм иллатидир. Турғунлик даврида бу анча кенгайди ва маълум муддат ўтгач, бизда бунга нисбатан кўникма ҳосил бўла бошлади. Туйғулар сохталиги, ёлғон севинчлар, айниқса, шеъриятда яққолроқ кўрина бошлади. Сўзбозлик кучайди. Буни нафақат танқидчилик, балки шоирларнинг ўзлари ҳам пайқадилар. Уларнинг сўзнинг муқаддаслигига бағишланган шеърларида она тилига, ватанга муҳаббат туйғулари алоҳида меҳр билан ифодаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Шоир бир ўринда «Шеър йўлидан ўтма бефарқ, азизим», дея сўз санъати остонасидаги тенгдошига мурожаат қилади. Бунинг қатламларида шоирнинг бадиий ижодга муносабати билан ёнма-ён халқига ҳурмати, сўз айтиш масъулияти ҳам туради. Сўз санъаткоригагина ўз халқи номидан гапириш ҳуқуқи берилган, десак муболаға бўлмас. Шунинг учун бўлса керак, урушнинг қирчиллама кунларида Ҳамид Олимжон «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман» дея ҳайқирган эди.

Ошкоралик ижодкорга халқ номидан сўзлаш масъулиятини янада кучайтирди. Ҳаётдаги ўткир проблемалардан четлаб ўтиш, уни одмилаштиришга интилиш ҳолатлари ҳам бўларди. «Ҳорма энди қўли қадоқ азаматим» қабилидаги сатрларга кўникиб қолган эдик. У пайтларда, ҳатто пахтани ўз номи билан аташдан кўра «оқ олтин» дейиш мароқлироқ, «оқ олтин» имизнинг қора ишлари ҳақида

www.ziyouz.com kutubxonasi

эса ёзиш ман қилинган эди. Бу тақиқ расман айтилмаган бўлса-да, шу руҳдаги асарлар нашр этилмасди, нашр этилганлари ҳам маломат тошларидан омон қолмасди.

Дардли сатрлар остига чизиб, ёнига «?» аломати қўйилар, табиийки, бундай шеърларнинг пешонасига «йиғлоқи» деган лақаб ёпиштирилар эди. Шеъриятнинг катта уфқларини кўзлаб интилаётган ижодкорлар барибир рамзлар воситасида бўлса ҳам халқ қалби ва заминимизда тобора каттариб бораётган яралар ҳақида гапиришга, ундан оламни огоҳ этишга интилдилар. Турғунлик даврида ҳам оз бўлса-да, ҳаётнинг катта гаплари айтилди. Бугун эса ана ўша гаплар бор овоз билан айтилмоқда. Халқнинг меҳнат ютуқларинигина эмас, унинг руҳияти, ўй-ташвишлари, дарду аламлари; инсон ва табиат муаммолари кескинлик билан кўтариб чиқилмоқда. Айниқса, ёшлар шеъриятидаги лирик қаҳрамоннинг фидойи сўзлари, куюнчаклиги, дадиллиги қалбларимизга яқин келади, ундаги ички самимият учқунлари меҳр уфқларимизни ёритади. «Оламнинг дарзлари шоир қалби» (Ҳейне) меридианларидан ўтар экан, ўз нурли изларини қолдиради. Бу нур бизнинг қалбларимизда ҳам жилва қилади. Ҳаёт, одамлар, эртанги кун ҳақида ўйлашга ундайди. Булар аввалги хаёллардан тубдан фарқ қилади. Шу маънода шеър қушининг оёқлари заминга тиралади, ундан куч олади. Воқеликнинг устидан туриб кузатилмайди, ичида юриб кўрилади, ҳис этилади. Ҳис қилиб, бошдан кечириб ёзилган шеърда покизалик ва самимийлик бўртиб туради. Зотан, шеърнинг оҳанграбоси ҳам мана шулардадир.

Юқоридаги мисрани давом эттириб, шоир бошқа бир ўринда «Шеърият — дунёда энг муқаддас тил» эканлигига поэтик урғу беради ва бу билан шеърият тилида ёлғон гапириш шоир учун кечирилмас гуноҳ эканлигини яна бир бор таъкидлайди.

Хилма-хил бўлса ҳам элинг, Ота Шарқ,
Фақат шеъриятдир тилинг, Ота Шарқ.
Эмас бу ҳар турли мардумнинг тили,
Юракнинг тилидир, дардимнинг тили.
Бу тилни англаган ҳаёт кўркамроқ,
Олам оламроқдир, одам — одамроқ.

Шоир юрагига — дардининг тилларига сўз берар экан, инсонни инсоний тушуниш, оламнинг оламлигини ҳис этиб яшаш, уни қадрлаш каби томонларга диққатни қаратади. Бу эса шоир яратган лирик қаҳрамон маънавий оламнинг покиза иқлимларидан ибрат олишимизга кўмак беради. Бу шеърий парчалар Мирзо Кенжабек қаламига мансуб. Унинг кейинги йилларда нашр этилган «Муножот», «Шарқ тили» тўпламларидан ўрин олган шеърларнинг кўпчилигида халққа, тилга, тарихга ҳурмат билан қараш ҳислари баралла сезилиб туради. Унинг «Муҳаббатсиз ҳақиқат йўқ, адолат йўқ, ҳамият йўқ, Қўлингда давлатинг бўлгай, дилингда давлатинг бўлмас» сатрлари оламининг ҳам бағри кенг. Бу ўринда муҳаббат ўз интим қобиғидан чиқиб кетган, катта маънолар ташувчи муҳаббат. Шоир муҳаббатни руҳият оламидан ўсиб чиққан яшил майса каби нозик ва теран тушунади. Бу сатрларни ўқир эканмиз, мисраларга сингган маъноларнинг нечоғлик самимий ва тўғри эканлигига дил-дилдан ишонамиз.

Она тилига ҳурмат, унинг бой сарчашмаларидан баҳраманд бўлиш бахти, сўз қадрини тушунмаслик масъулияти ҳақида классикларимизнинг ибратомуз асарлари сероб. Кейинги йиллар шеъриятида ҳам бу анъана анча муваффақиятли давом эттирилмоқда, деб бемалол айта олишимиз мумкин. Чунончи, Икром Отамуродов «Сўзларим учун жавоб бераман, Энг аввало уларнинг ўзи олдида», деса, Ёқубжон Хўжамбердиев:

Сўз ҳам Ватан —
Ҳар кимга асли —
Чидолмасман,
Хазон каби
Соврилса сўзлар!—

дея сўзга бўлган муҳаббатини куюнчаклик билан ифодалайди.

Хуршид Даврон тенгдошларидан фарқли ўлароқ, сўзга бўлган ўз ошуфталигини романтик бўёқларда беришга интилади. Унинг шеъри метафораларнинг қуюқлиги билан ажралиб туради. Шоир «Сўзларни райҳондай ҳидлайман» деса, ишонамиз ва шу лаҳза димоғимизга райҳон бўйлари монанд ислар урилгандай бўлади. Биз буни Сўзнинг атри эканлигига шак келтирмаймиз. Шоирнинг «Учраган дарвоза зулфин қоқаман. Сўз сўрайман, «Сўз борми?» дейман», деган сатрлари ҳам бизни алдамайди. У сўзнинг умрбоқийлиги ҳақида ўйлар экан:

Мени келажакка етказар сўзлар,
Мен қайтиб келмайман ҳеч қачон,
Сўзларим албатта, қайтади.
Кетган юрак афсоналарин
Сўзлар келиб айтади... —

дейди. Бу сатрларга жо этилган фидойилик елкамизга бир қадар масъулиятларни юклайди. Ҳамма ҳам она тилига, сўзга мана шундай баланд нуқталардан туриб муносабатда бўла оляптими? Йўқ, албатта. Сабриддин Садриддинов, Шавкат Туроб, Олимжон Холдор кабиларнинг кейинги йилларда нашр этилган тўпламларидан ўрин олган айрим шеърларда сўзга масъулиятсизлик, беписандлик билан ёндошиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Даъвоимизнинг исботи сифатида С. Садриддиновнинг «Комсомолим» шеъридан олинган қуйидаги парчани келтирамиз:

Гуллаган ёшликсан дилда барқ уриб!
— Сафингга ол, — дейман мен мағрур туриб,
— Эл тўқ бўлсин, — дея кўтардинг ялов,
— Бирлашинг! — дегансан ишчи-деҳқонга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Энг аввало бу тўртликда мантиқий изчиллик йўқ, фикрлар тумтароқ. Умуман, шеъриятга алоқаси бўлмаган бу сатрлар қайси йилларнинг маҳсули? 50- йилларда шу руҳдаги декларатив шеърлар кўплаб учрарди. Қуруқ мақтовларнинг қурама йиғиндисидан иборат бўлган бундай «шеър»ларнинг вақти аллақачон ўтганлигига қарамасдан ҳамон нашр этилаётганлиги мухлислар энсасини қотиради, холос.

Сўзга эътиборсизликнинг бошқача кўриниши О. Холдорнинг «Тожимаҳал» шеърида учрайди. Нокамтарлик билан айтилган қуйидаги сўзлар қандай поэтик маъноларни ифодалаш мақсадида қўлланилган экан, деган сўроққа ёлғиз муаллифнинг ўзи жавоб бермаса, биз ожизлик қилдик:

Мен Бобурга авлодлигим билмасди ҳеч ким,
Ўхшар эди шу лаҳзалар гўё бир тушга.

Муҳаббат шеъриятнинг абадий мавзуларидан. Ёрнинг ағёрлиги ҳақида маҳбубаларнинг соч толалари қадар мўл ашъор битилган. Улар бизнинг қалб мулкларимиз, ўрни билан улардан баҳра оламиз, қалбимиздаги туйғулар косасини тўлдирамиз. Вафо ва бевафолик ҳақидаги шеърлар ҳаётга, одамларга бўлган қарашларимизни тиниқлаштиради, теранлаштиради. Баъзан шундай тизмаларга ҳам дуч келамизки, унда шоирнинг ўз айтар гапини топа олмай қийналамиз. Илҳомсиз битилган сатрларда сўз бир-бирлари билан қовушиб кетмайди, тумтароқлик вужудга келади.

Шавкат Туроб кўп йиллардан буён шеър машқ қилиб келади, тўпламлари нашр этилган. Унда ҳарорат билан ёзилган шеърлар билан бирга ўртамиёнадан паст, ҳозирги замон ўқувчилари талабларига жавоб бера олмайдиган машқлар ҳам учраб туради. Унинг «Ҳижронинг ёмон» шеърини тўлиқ келтирамиз:

Қийнаганда ҳижрон оташи
Суратингга боқаман тўйиб,
Юрагимда ёнар туташиб, (!)
Севги ўти бўзлатиб қўйиб...
Орзиқади ошиқ юрагим,
Хиёбонда кутаман ҳамон...
Кел, кела қол, эрка малагим —
Ҳаммасидан ҳижронинг ёмон!

Қаҳрамон ҳижрон азобида ўртанаётган йигит. У ёрининг суратига боқади. Боқади-ю, яна юрагида ишқ ўти алангаланади. Бу ўт уни бўзлатади. Иккинчи бандда ошиқнинг хиёбонда маъшуқасини кутаётгани ҳақидаги хабар берилади. Шеър «висолингдан бенасиб этма, кел» деган илтижо билан якунланади. Соғинч мотивларига бағишланган ушбу мисраларда биз бирон янги гап — поэтик фикр топа олмаймиз. Ҳатто камроқ ишлатилган қофияга ҳам дуч келмаймиз. Биринчи бандниг 3—4 мисраларида жиддий таҳрир қилиниши керак бўлган жумлалар бор. Қаҳрамоннинг лоқайдлик билан айтган гаплари қалбдан чиқмаган. Қалбдан портлаб чиқмаган фикр эса ўзга қалб ошёнларини ҳам забт эта олмайди.

Шеъриятда сохта туйғулар омухта бўлган фикрлар ҳам учраб турадики, масаланинг бу томонларига бефарқ қараб бўлмайди. Келди Қодировнинг «Сомон йўли», Саъдулла Ҳакимнинг «Сен кутган баҳор» тўпламларидаги айрим шеърларда туйғулар тиниқлиги, фикрий равонлик, самимият етишмаётгандек туюлади.

Шеър ҳаётий эҳтиёж туфайли вужудга келсагина ўз бурчини муваффақият билан бажара олади. Ёшлар шеъриятини кузатар эканмиз, буни тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Улар тасвирлаётган қаҳрамон қайта қуришни ўз маънавий оламидан бошламоқчи бўлган инсон. У бу мураккаб жараённи бошидан кечирар экан, турли тўсиқларга дуч келади, баъзан иккиланади, лекин бош мақсад йўлидан қайтмайди. Унинг қалб саҳнасида **ўтмиш, бугун, келажак** бир нуқтада бирлашади. Тарихнинг қора саҳифалари уни безовта қилади, унинг туманли кўчаларини ёритгиси, **ҳақиқатни** бутун борлиғича кўргиси келади. Бошқача айтганда, тарих юзларига аёвсиз чапланган қора доғлар билан бирга ўринсиз ишлатилган ортиқча рангларни ҳам ювишни мақсад қилиб олади. Тўғри ҳукм чиқариш учун эса энг аввало ўзи тўғри бўлиши лозим. Шунинг учун бўлса керак, қутлуғ ниятни амалга оширишдан аввал у ўз қалбига сўроқлар беради: «Ҳақиқатни ҳимоя қилишга маънавий ҳуқуқинг борми?».

Шавкат Раҳмон қаҳрамонлари ана шундай саволлар билан яшаётган инсонлар эканлигига бир қатор шеърлари билан танишиш жараёнида ишонч ҳосил қилиш мумкин. У бир ўринда «Лаҳзада титроққа айланиб турсанг, демакки ичингда битта хоин бор», дейди. Мана шуни бартараф этмай туриб «волида кўзига боқишга», «маъшуқа қўйнида ётиш»га унинг маънавий ҳуқуқи йўқ эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шунинг учун ҳам шоир ўз қаҳрамонига қарата «ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир» дея қатъият билан хитоб қилади. Инсон руҳининг, қалбининг хоин бўлаги ҳақидаги бу фикр Ш. Раҳмон тенгдошларини ҳам қизиқтиради. Жумладан, Усмон Азимов «Ўзингни аяма...» сатрлари билан бошланувчи шеърида дўстининг поэтик топилдиғини ижодий давом эттириб: «Жанг қил била туриб мағлубиятни. Шунда чекинади сотқин бўлагинг», деса М. Кенжабек, «Акс садо» шеърига «Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир» мисрасини нақорат қилиб олади. Бу эса ёшларнинг поэтик қарашлари бир бирига яқин эканлигидан далолатдир. Улар яратаётган қаҳрамон яна шу томонлари билан ҳаётийки, шоир билан шеъриятдаги «мен»и ўртасида катта тафовутлар йўқ. Иккинчи сўз билан айтганда, уларнинг ўз фаолиятлари ҳам қаҳрамонлари фаолиятлари кабидир.

Ш. Раҳмон «Айтар сўзим» шеърида «Уруш худолари сочганда ўлим» ерга бош қўйиб сўйлаган хоинлардан кўра хоинроқ кимсалар қиёфасини очиб беришни ният қилади. Уларнинг либосларини ўзгартириб олган бугунги кундаги вакиллари олиб бораётган пинҳона ишлар қаҳрамон ғазабини кучайтиради:

Бир муртад мустабид,
бир жобир қаттол

www.ziyouz.com kutubxonasi

қатағон қилганда не пок сасларни,
нечун айтмадилар «бу ишинг хато»,
нечун чўзмадилар кучли дастларин.
Бугун ер тагидан қадаб кўзларин,
кўксин ҳақиқат деб йиртган одамга,
«бошингни кўтарма» деган сўзларни
инъом қилдилар нечун оламга!

Ш. Раҳмоннинг кўпчилик шеърларида инсон маънавий оламига пинҳон тиғ ураётган, ҳар бир замонда ўзгача либосларга яшириниб, «жон сақлаб» қолаётган кимсалар фош этилади. Бундай хусусиятлар У. Азимов қаҳрамонларига ҳам хосдир. У навбатдаги китобини «Иккинчи апрель» деб номлабди. Маълумки, Биринчи апрель куни, яъни йилда бир марта одамлар ҳазил-мутойиба йўли билан бир-бирларини алдашлари мумкин. Бу алдов заминида юмор ётади. Шу билан одамлар кулади, енгил тортади. Шундай одамлар ҳам борки, улар учун йилнинг уч юзу олтмиш беш куни — Биринчи апрель. Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик билан шуғулланиб, халқни алдаб қўйган кимсалар учун беш йилликларнинг ҳар бир куни Биринчи апрель бўлган. Шоир хаёлида умрнинг ҳар бир кунини алдов кунига айлантираётган кимсаларнинг аянчли қиёфалари тикланади. Бундай буқаламунлар сиртмоғидан уни фақат бир куч қутқармоғи мумкин. У ўша кучга қарата:

Мен чарчаб сенга суяндим, ҳақиқат.
Соат бонг урмоқда,
Гаплашайлик, кел.
Қўрқма,
Ўтиб кетди бир кунлик даҳшат.
Бугун иккинчи апрель,
Ҳақиқат,
Иккинчи апрель...—

дейди.

Муҳаммад Раҳмоннинг «Ҳақиқат ватани» деб номланган шеъри марказида турувчи қаҳрамон ҳам ўзининг бир қатор фазилатлари билан Ш. Раҳмон, У. Азимов қаҳрамонларига руҳан яқин туради. Улар қайта қуриш об-ҳаволаридан нафас олиб, тафаккур қаламини ошкоралик чархида қайраб олган курашчан инсон, қилвир кимсаларнинг хуфиёна ишларига бефарқ қараб тура олмайди. Атрофидаги номаъқул ишлар уни ҳам изтиробга солади. Эзгулик, ҳалоллик камситилаётганлигидан қийналади. Лекин ундаги ички изтироблар статик эмас, охир-оқибатда портлаши аниқ бўлган изтироб. Шоир юртимизда пайдо бўлган «ота»ларнинг қилмишларини рамзлар воситасида эмас, ошкора тасвирларда беришни маъқул топади:

Тушди чўнтакларга даста-даста пул,
Порахўр бақирди, кўзида — таъма:
— Қачон тўхтатамиз қоғозбозликни!—
Касофат... тиллага қиларди шаъма.

Шеър якунидаги:

Бор экан Лениндек падар оламда,
Ҳам унинг лашкари музаффар ва шан,
Қаддингни баланд тут!
Қолмайсан ғамда!
Жонлар фидо сенга, Хақиқат — Ватан,—

деган сатрлар руҳидаги уйғоқлик, хитоб «Ленин майдонида ёзилган шеър»даги руҳга ҳамоҳангдир.

Азим Суюннинг «Зиё йўли» деб номланувчи тўпламидан ўрин олган кўпчилик шеърларнинг қаҳрамонлари қайта қуриш шабадаларидан баҳраманд бўлаётган, эртанги кунга катта умидворлик билан қараётган кишилар. Мана шу жиҳатдан олганда, унинг «Замон», «Миннатдорчилик» шеърлари ибратли, унда мағзи тўқ, чуқур мушоҳадага ундовчи сатрлар сероб. Айниқса, иккинчи шеър марказидаги қаҳрамон фаоллиги, курашчанлиги, шижоати билан ажралиб туради. У бевосита «... юлдузларни бенарвон урган Қаллобу қаттолу нонкўру каззоб»ларга қарата «Ҳақиқат олдида бу замон титранг, Ҳақгўй халқ олдида берингиз жавоб!» дея ўз қатъий ҳукмини ўқийди. Демак, шоир диққат марказида турғунлик йилларида «мерос» бўлиб қолаётган мунофиқ кимсаларнинг бутун кирдикорларини аёвсиз фош этиш ётади. У бу ниятни амалга оширишда публицистик руҳни кучайтиради.

Муҳаммад Юсуф яратган қаҳрамон ҳам ўзининг фидойилиги, ҳақиқатпарастлиги билан илиқ таассуротлар уйғотади. У ўз салафларидан фарқли ўлароқ ҳазил-мутойиба, қочирим, кесатиқ каби поэтик воситалардан ўринли фойдаланади. Унинг шеърларида халқ қўшиқларига хос жозиба қабариб туради. Бир қарашда у яратган қаҳрамон худди болалардек шод, қувноқ, бир оз тегажоқроқ туюлса-да, аслида ундай эмас. Унинг кулгулари қатида ҳасратлари беркиниб ётади. Бир ўринда «Ажойиб ёз кунларининг бирида, Бир увишди, бир увишди юрагим», дея диққатни тортади. Кейинги икки мисрадаги ички юмор дастлабки сатрлардаги жиддийликни кучсизлантиргандек туюлади:

Қарасам бир таниқли муттаҳамнинг
Курагига тегиб турар курагим.

Муаллиф бу муболаға билан чегараланмайди, уни тадрижий ривожлантира боради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Курагимни деворларга ишқасам
Ғиштлари кўчиб тушди уялиб.

Бу ўринда шоир муболағадан ташқари интоқдан ҳам ўринли фойдаланган. Хўш, қаҳрамонни бу даражага солиб қўйган муттаҳам ким экан? Унинг қиёфаси қандай? Қаҳрамон нега бунча дарғазаб бўлади? Чунки у «Қодирийни қон қақшатган..., Усмон Носирни йиғлатган..., Чўлпондек зотларни сотган..., Бобур қабрига тош отган муттаҳам!..» Шунинг учун «Дўстлар менга темир супурги беринг, фаррош бўлиб супуриб чиқай изин», дейди. У дунёда ёмон одамлар бўлишини истамайди. Унинг бу орзулари ҳавойи гаплар эмас, муттаҳамларнинг башараларини фош этиш билангина чегараланмайди, балки унинг бутунлай изини қуритиш зарурлигини тушуниб етади ва бу йўлда курашни сусайтирмайди. Мана шундай курашчанлик руҳи, эзгуликни ҳимоя қилиш ҳисси унинг «Адабиёт музейида», «Лўттивозлар» шеърларида янада баланд пардаларда куйланади.

Инсоннинг ўзлигини таниши унинг тилига, халқига, Ватанига бўлган самимий ҳурматидан бошланади. Кимки ўз халқини ҳурмат қилмас экан ўзга халқни ҳам ҳурмат қила олмайди. Ҳурмат қилганда ҳам сохта, шунчаки лафзда бўлади. Ушбу томонларга диққатни қаратаётганимизнинг боиси шуки, ҳозирда ёшлар ижодида миллийлик ва интернационализм туйғулари чуқур тасвирланмоқда. Эндиликда халқлар ўртасидаги дўстликни ифодалашга қаратилган «Маша севар Омонни, Никола Сорахонни» қабилидаги шеърлардан умуман йироқлашганмиз. Миллий дўстликнинг чуқур қатламлари ила тасвирлашга мойиллик шеъриятнинг бош мақсадларидан бирига айланган. Шуни таъкидлаш керакки, миллийлик туйғулари ёрқинроқ акс этиб турган айрим асарларга муносабатда бир ёқламалик ҳукмрондек туюлмоқда. Миллий туйғу билан миллатчиликни бир-биридан фарқламаслик ҳолатлари ҳам сезилмоқдаки, бу билан сира келишиб бўлмайди.

Шеъриятнинг азал-абад орзуларидан бири халқлар ўртасидаги дўстликни куйлаш экан, бу борада ўзбек шеъриятининг алломалари баракали ва ибратли ижод намуналарини яратганлар. Бу анъана ёшлар шеъриятида ҳам давом эттирилмоқда, деган гапни бугунги кунда дадиллик билан айта оламиз. Ёқубжон Хўжамбердиевнинг «Рақс» шеърида жипслик, биродарлик мотивлари ўзига хос содда формаларда ифодаланади:

Даврада раққосалар
Қўлга-қўл ташлашиб,
Жипс ўйнайди.
— Дадажон, ким улар!
Қадимий рақс бу,
Булар гуржилар.
— Дадажон жуда ҳам
Истайман шу ишни,
Қўлга-қўл ташлаган
Гуржи бўлишни...

Ота билан бола суҳбатлари асосига қурилган бу шеър ҳам бадиийликнинг гўзал либосларига ўранмаган. Лекин бу ўринда «қўлга-қўл ташлаган гуржи бўлишни» орзу қилган бола қалбидаги ҳақиқат ёғдулари, монолит дўстликка, аҳилликка интилиш иштиёқлари сатрларга самимий жозибасини бахш этмоқда. Назаримда, шоирнинг мақсади шеър сўнгидаги кўп нуқтага яширинган. У кўз олдимизда жипс ўйнаётган халқ занжирини ва бундан ҳайратланаётган бола тасвирини гавдалантириш билан чегараланмайди. Шеърга ёғду сочиб турган куч бола қалбидаги аҳилликка интилиш туйғуларидир. Ҳар бир халқни ўз аро бирлаштириб турадиган рақслари, қўшиқлари, урф-одатлари бор. Мана шулар ҳам бизга мерос бўлиб ўтмоғи керак.

Бирлик, ҳамжиҳатлик мавзуи Тоҳир Қаҳҳорнинг ҳам энг севимли мавзуларидандир. У ўз ижодига талабчанликни сусайтирмайдиган шоир. Унинг ғазалларида ҳам, ост сарлавҳали шеърларида ҳам, сонетларида ҳам қалбни «жиз» эткиза оладиган поэтик фикрларни кўплаб учратиш мумкин. У «ёзмоқ ва яшамоқ керак бошқача» шиорига қатъий амал қилади. Унинг лирик қаҳрамони ҳам ана шундай қалби ёниқ инсон. У «Бирлашган одамлар» шеъри руҳига халқимизнинг қадимий мақолини сингдиришга ҳаракат қилган. Инсониятнинг онгли фаолияти ҲАҚИҚАТ учун курашдан иборат. Бас, шундай экан, уни бир киши, ўн киши, юз киши эмас, бутун халқ ҳимоя қилмоғи лозим, шундагина ҳақиқат ўз маъносига эга бўлади:

Бутун халқ курашса ҳақиқат учун,
букилар ҳар не куч, ҳар не мухолиф —
улар билан бирга
боражак Лекин,
бирлашган одамлар бўлажак ғолиб,

Муҳаммад Солиҳ шеърлари марказида турувчи қаҳрамоннинг фикрлаш тарзи бошқача. У кўпроқ қалб экологияси масалалари билан қизиқади. У ўз поэтик мушоҳадаларини зиддиятли нуқталардан бошлаб ана шундай нуқталарда якунлагиси келади. Унинг фикрлашида чуқур рамзийлик бор. Мана шу рамзлар, қиёслар, тимсоллар занжири оддийдан мураккабга қараб бораверади. Натижада, бизни ўз сирли оламига тортади. Шоирнинг бир қарашда одмидек, жўндек туюлган сатрлари тубида қалбни тўлқинлантира оладиган фикрларга дуч келиш мумкин. «Меҳр» шеърида «Меҳр бу жимирлаш, Қақраган лабларнинг орзуси» дейди ва унга кутилмаган хотима топа олади: «Дунёда йўқ, бирор Қақрамаган лаб».

Шоир сўзларига ўзгача либос кийдириб, биз англаб етмаган жарангларини топади. Одамзоднинг меҳрга чанқоқлиги ҳақида кўплаб ашъорлар битилган. Лекин буниси ўз руҳи билан бошқалардан тубдан фарқланиб туради.

Шеъриятнинг жамият олдидаги ижтимоий бурчи ҳам «қақраган лаблар» чанқоғини қондириш. Бу учун эса шеър ўз бағрида самимийлик зилолларини сақлаш керак. Бу ўринда яна шуни таъкид-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаш лозимки, М. Солиҳнинг кўпчилик шеърларини мағзи тўқ бўлиши билан бирга пўстлоғи ҳам қалин. Ўқувчидан чақа билиш, таъмни фарқлай олиш қобилияти ҳам талаб этилади. Шоирнинг кўпчилик шеърлари турли мунозараларнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади. Унинг ҳар бир шеърини ўқиб бўлгач, «Нега?» деган сўроқ туғилаверади. Шеърни такрор ўқиш асносида эса сўроқларимизга жавоб топа борамиз. Умуман, барча асарларни, айниқса, М. Солиҳ шеърларига ўхшаш шеърларни тушуниб ўқиш, мушоҳада қилиш керак. Чунки бу типдаги шеърларда фикр шундоққина кўзга ташланиб турмайди. Албатта, бу билан шеърда топишмоқ руҳи кучли демоқчи эмасмиз. Булар ўйчан шеърлар, ўйлатадиган шеърлар.

«Бадиий ёлғон» шеърининг руҳ-руҳига сингдириб юборилган табиат ва қалб экологияси масалалари кишини ўйлашга даъват этади. Шоир бу ўринда замин вужудидаги яралар ҳақида гапирар экан, қалам соҳибларига нисбатан киноясини ҳам яширмайди. Киноямуз фикрлар қатида ижодда ҳалолликни, фидойиликни сусайтирмаслик ҳақидаги поэтик фикрлар ётади:

Пахтани «олтин» деб кимдир бўлар ҳақ,
Унга ҳам ишонманг, қалқинг оёққа —
Чунки ҳақиқат ҳам ёлғондир мутлақ,
Агар қарши бўлса ҳақиқат халққа!

Инсон доимо эртанги кунига катта умид билан боқади. Бугунидан эртаси мазмунли бўлишини истайди. Унинг учун эса курашади. Маъруф Жалил қаҳрамонлари ҳам ана шундай кайфиятдаги замондошимиз. У содда, ўз сокин хаёллари билан яшаётган инсон. Шоир мана шу сокин хаёлларнинг кўз илғамас ички пўртаналарини кўрсатишни мақсад қилиб олади. У бу йўлда ўз фикрларини мураккаб ташбеҳларга, оҳанжамаларга ўраб эмас, содда, халқона услубда беришни маъқул кўради. Кўпчилик шеърларида буни муваффақият билан уддалайди ҳам. «Ҳар куни тонг билан чиқаман йўлга, Бугун бир янгилик юз беради деб». Бу сатрлар шоир қаҳрамонларининг мақсад шиорига айланган. У «ғанимат дамлардан бир иқбол» кутади. Бу кутиш пассив эмас. Иқболни ҳаёт қатламларидан излаб топиш унинг матлаби. Катта мақсадлар билан йўлга чиқар экан, турли ҳолатларга дуч келади. Унинг қулоқларига «Ёрдам беринг», деган қичқириқлар урилади. Демак, хаёллар оғушида тинчгина бир четда яшашга ҳаққи йўқ. Қичқириқлар келаётган томонга шошиши, мадад қўлини чўзиши керак. Буни у фидойилик, жасорат эмас, балки барча одам қилиши шарт бўлган бурч деб билади. Бу садо бир лаҳза бўлса-да, уни тинчитмайди. Гоҳ у, гоҳ бу томондан тобора баландроқ эшитилаверади:

«Ёрдам беринг»,— дейди кимдир бехосдан,
Билмайман бу фарёд кимнинг розидир.
Балки, бу, одамлар, сизларни ўйлаб,
Ҳасрат чеккан замин илтижосидир.

Инсон ўз тарихини қанчалик чуқур билса, унинг келажакка бўлган ишончи шу даражада кучли бўлади. Тарихнинг ҳеч бир варағи йўққи, у битикларсиз оппоқ, бўлсин. Халқимизнинг улкан тарихини қалб кўзлари билан ўқишга киришган улуғ зотлар кўп бўлган. Лекин уларнинг ҳаёти худди тарих каби таҳрирларга, таъқибларга учраган. Кўз ёшларини томизиб «тошдаги ҳикматни» уйғотган сиймолар қисмати бугунги кунга келиб ёшлар диққатини жалб этмоқда. Ўта камтарлиги ва хокисорлиги туфайли тириклигида адабиётдаги ўз баҳосини ололмай кетган ижодкорлардан бири Миркарим Осимдир. Бу зотнинг тарихга фидойилигини, заҳматкаш сўз заргари эканлигини акс эттирувчи бир талай шеърларга эгамиз. Мана шулар ичида Х. Давроннинг «Миркарим Осим ёди» шеъри эҳтиросга тўлалиги билан диққатни тортади. У устознинг тарихий мавзудаги меҳнатларини хотирлар экан, «мозийнинг муқаддас куйин» чалиб халқнинг қалбига шуур сочмоқчи бўлган меҳнати ўз вақтида қадрланмаганлигидан афсус чекади ва бу афсус қатида надомат эмас, келажакни огоҳ этиш мотивлари баралла сезилиб туради:

...Бу қандай ватанким, одамни фақат
Кимлигин биламиз ўлгандан кейин...

Шоирнинг бу афсусларидан яна турғунлик йилларига аччиқ киноями ҳам сезиш мумкин. Унинг «Тарих китобларин кўп варақладим», «Падаркуш» шеърларида ҳам тарих образи ҳарорат билан чизиб берилганки, бу шеърларни шубҳасиз кейинги йиллар ўзбек шеъриятининг ютуқларидан бири деб баҳолаш керак бўлади.

Таҳлилни яна бир қатор истеъдодли шоирларнинг асарлари мисолида давом эттириш мумкин. Албатта, бир мақола доирасида бугунги шеърият, унинг лирик қаҳрамони маънавияти ҳақида батафсил гап айтиш имкони йўқ. Юқоридаги фикрларга шундай хулоса ясаш мумкинки, қайта қуриш ва ошкоралик шабадалари шеърият бағрини тоза ҳаволар билан тўлдира бормоқда. Адабиётда, айниқса, шеъриятда РОСТ сўзни айтишга, ҲАҚИҚАТни бутун борлиги билан кўрсатишга интилиш кучаймоқда. Бугунги шеъриятнинг лирик қаҳрамони ўзининг фаоллиги, самимийлиги, куюнчаклиги, ёлғонга муросасизлиги билан фарқланиб туради. Бугунги шеъриятда «ички нигоҳ» ва унинг бадиий тасвири масалаларига жиддий эътибор берилаётганлиги кишини қувонтиради...

Исмоил ТЎЛАКОВ,
филология фанлари кандидати

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Дўстлик ҳурматдан бошланади 2

ШЕЪРИЯТ

Ҳалима Худойбердиева. Ҳаёт томчи-томчи руҳимга сингди 13

Нурулла Остонов. Пок қилинг юракнинг деворларини 53

Оллоёр. Сен йиллардан қўрқмагин, жоним 95

Гулчеҳра Муродалиева. Зангор боғлар қўйнида ҳилол 103

Толиб Йўлдош. Чечаклар кўтарар ҳаёт жомини 108

НАСР

Ҳайриддин Султонов. «Кўнгул озодадур...» Қисса 19

Менгзиё Сафаров. Айришох. Қисса 57

Нормурод Норқобилов. Икки ҳикоя 98

Жўрақул Ажиб. Қасос. Ҳикоя 105

Зоя Туманова. 1943 йил. Госпиталь. Ҳикоя 110

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Фахриёр. Кўрғошин хаёллар эзади бағрим 114

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Азиз Абдураззоқ. Кичик ҳикоялар 117

Бирга ўйнаймиз, тез чоп! **Дилором Тожиева, Рустам Назар, Содиқжон Иноятов, Зафар Исомиддинов, Ориф Тўхташев** шеърлари 120

ПУБЛИЦИСТИКА

Расул Раҳмонов. Америкада ўзбек овози 124

Бўривой Аҳмедов. Тарихни сохталаштириб бўлмайди 164

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Михай Эминеску. Шеърлар 140

ТАРИХНИНГ «ОҚ ДОҒ»ЛАРИ

Владимир Короленко. Лунчарскийга ёзилган хатлар 142

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Анна Ахматова. Муҳаббатни куйлайман. *Шеърлар* 159

НАВОИЙХОНЛИК

Малик Орипов. Навоий сўфийми ёки мутасаввуфми? 167

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Азиз Қаюмов. Шоир Фурқат 171

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Ойбек. Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак. «Мунаққиднинг «мунаққиди» мақоласининг эгасига» 188

Бойбўта Дўстқораев. Бир мунозара тарихидан 192

АДАБИЙ ТАНҚИД

Исмоил Тўлаков. Шеърият кенглиги — қалб кенглиги 197

АКС САДО 203

ГУЛҚАЙЧИ

Ўткир Рашид. Шеърлар 206

Тожиддин Абдуқундузов. Икки улфат 207

Холдор Абдусаломов. Бирлашган соқоллар 207

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
[Звезда Востока]
№ 6
Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1989.

Техник редактор **А. Ҳайдаров.** Рассом **Ғ. Алимов** Корректор **М. Имомов.**

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 06.04.89 й. Босишга рухсат этилди 25.05.89 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Р-11797. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55+0,25 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи. 19,95+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 150282. Буюртма 567. Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41

www.ziyouz.com kutubxonasi